

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017
Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТДАГИ ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМАГИЛОВ ДАМИР КАНГАНОВИЧ

**СПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ АСОСИДА
ТАЛАБАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МЕТОДЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Исмагилов Дамир Канганович

Спортга йўналтирилган жисмоний тарбия асосида талабаларни жисмоний
такомиллаштиришни оптималлаштириш методларини ишлаб чиқиш.....3

Исмагилов Дамир Канганович

Разработка методов оптимизации физического совершенствования студентов
на основе спортивно-ориентированного физического воспитания.....25

Ismagilov Damir Kanganovich

Development of methods for optimizing the physical perfection of students on the
basis of sports-oriented physical education47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017
Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТДАГИ ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ

**СПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ АСОСИДА
ТАЛАБАЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МЕТОДЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

ИСМАГИЛОВ ДАМИР КАНГАНОВИЧ

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1.PhD/Ped83 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг: www.uz-djti.uz ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Кошбахтиев Ильдар Ахмедович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Югай Лев Павлович**
физика – математика фанлари доктори, профессор

Исеев Шамил Тагирович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: **Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017 Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17-179,717-27-27, факс: (0-370)717-17-76; Веб-сайт www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил:111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17-179,717-27-27, факс: (0-370)717-17-76; Веб-сайт www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация автореферати 2018 йил “_____” _____ куни тарқатилган
(2018 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Д.Халмухамедов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, п.ф.д., профессор

С.С. Тажибаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори, доцент

Т.С.Усмонходжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда талаба ёшларнинг ҳаракат фаолияти паст даражада ва бу уларнинг саломатлигини шакллантириш ва сақлаш учун етарли эмас. Хорижий давлатларнинг илмий-методик адабиётларидаги тадқиқот натижаларини умумлаштиришда шу нарса аниқландики, асосан, дарсдан ташқари пайтда жисмоний тарбия бўйича ўқув жараёнини ташкил қилиш ва амалга оширишни ёритиб берувчи сифатли материал ишлаб чиқилган. Олий ўқув юртларида кенг тарғиб қилинадиган кўп сонли спорт турлари орасида мини-футбол талабалар ўртасида янада кўпроқ оммаланиб бормоқда. Мини-футбол спорт ўйинлари оламида жадал ривожланиб бораётган спорт турларидан бири ҳисобланади, унинг классик футболнинг замонавий автоном турига интеграцияси умумий тан олинган фактга айланди. Маълумки, ҳар қандай янги спорт турида спортчиларни тайёрлаш тизимининг самарали ривожланиши спорт машғулотининг умумий назарий ҳолатларининг амалга оширилишига ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда методологик асосларининг шакллантирилишига асосланиши лозим.

Жаҳонда амалга оширилаётган ижтимоий ўзгаришлар доирасида мутахассислар тайёрлаш ва таълим сифатига қўйиладиган талаблар анча ўзгарди. Бу ўзгаришлар ўқувчи ёшларни жисмоний тарбиялаш жараёнига тааллуқли бўлган масалаларга ҳам тегишлидир. Эътироф этиш жоизки, талаба ёшлар орасида кенг оммалашган спорт ўйини бўлмиш мини-футбол хорижий методик адабиётларда етарли даражада ўрганиб чиқилмаган. Олий таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия ўқув фани сифатида бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлиги ва унинг шахс сифатида яхлит ривожланишининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Республикамызда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта қуриш ва такомиллаштириш муҳим вазифа ҳисобланади¹. Ёшларни жисмоний тарбиялаш жараёни самарадорлигини ошириш муаммоси бўйича илмий-методик адабиётлар таҳлили ушбу соҳада ишлаётган мутахассисларнинг унга катта эътибор қаратишларидан дарак беради. Ўқув муассасаларидаги ўқув жараёни талабаларнинг чуқур назарий билим, интеграл тайёргарлик кўникмалари ва малакалари ҳамда зарур спорт малакасини олишга йўналтирилган бўлиши керак. Бунга танланган спорт тури бўйича спортга йўналтирилган машғулотлар асосида эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909-сонли Қарори

4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори, 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни ҳал қилишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг: I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётини шакллантириш” устувор йўналиши бўйича амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада компетентли ёндашув асосида жисмоний тарбия бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларини такомиллаштириш Р.Д.Халмухамедов, Ф.А.Керимов томонидан; жисмоний тарбия ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига давлат талабларини такомиллаштиришнинг ташкилий-методик жиҳатлари Т.С.Усмонходжаев, А.Н.Абдиев, МДХ давлатларида В.А.Масляков, В.С.Матяжов, узоқ хориж давлатларида Sugden D., Talbot M., Coduc M. томонидан тадқиқ қилинган. Мамлакатимизда спортга йўналтирилган жисмоний тарбия масалалари тадқиқ этилмаган, бошқа давлатларда эса В.К.Бальсевич, Л.И.Лубишева томонидан ўрганилган².

Жисмоний тарбияни ўқитиш методикаси муаммолари Р.С.Саламов, И.А.Кошбахтиев, жисмоний тарбияни ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш методикаси Ш.Т.Исеев, Р.И.Нуримов, И.А.Кошбахтиев, МДХ давлатларида В.Ю.Волков, А.Ю.Злобин, В.А.Масляков, В.С. Матяжов, Е.Ю.Розин, Т.М.Соловьев, Л.А.Хасин томонидан тадқиқ қилинган³.

²Усмонходжаев Т.С., Алиев М.Б., Сағдиев К.Х., Турдиев Ф.К., Акрамов Ж.А., Усмонходжаев Т.С. Болалар ва ўсмирлар спорти машғулотлари назарияси ва услубияти. - Тошкент, 2006. - Б. 66-72. Абдиев А.Н. Яққақураш спорт турларида ихтисослашувчи талабаларда мураббийнинг касбий кўникмаларини шакллантиришнинг илмий педагогик асослари. Дисс.... д-ра пед. наук - Т., 2004. – Халмухамедов Р.Д. Бокс. – Т.: - Lider Press 2008. 315 с. Саломов. Р.С., Керимов Ф.А. Жисмоний тарбияда педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма- Т.: ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа. 2010.-126 б. Массовая физическая культура в вузе: учебное пособие. // Под ред. В.А.Маслякова, В.С. Матяшова. – М.: Высш.шк. 1991. - 240с. Модернизация школьного урока на основе спортивно-ориентированного физического воспитания Бальсевич В.К., Лубишева Л.И. Российский государственный университет физической культуры, спорта и туризма, г. Москва. Sugden D., Talbot M. Physical Education for Children with Special Needs in Mainstream Education. Leeds Metropolitan University & University of Leeds, on behalf of Sports Council, 2011. Coduc M.A., Popov A.V. La preparation del futbolista editorial poidotribo, Barcelona, 1993-395p.

³Кошбахтиев И.А., Нуримов Р.И., Бабичева И.В., Эрдонов О.Л. Применение современных информационных технологий по физическому совершенствованию студентов // Вестник ТУИТ. 2007. – №2.-С. 92-94. Розин Е.Ю. Компьютерная реализация педагогической диагностики и контроля за физическим состоянием и специальной подготовленностью спортсменов (на гимнастике). // Теория и практика физической культуры. 1995.- №8.- С. 11-12. Соловьев Т.М. Формирование физической культуры личности в ракурсе современных образовательных технологий. // Ставрополь, СГУ. 1999. - 168с. Хасин Л.А. Информатизация отрасли «Физическая культура» и экспертные технологии. // Теория и практика физической культуры. - 1996.- №4. - с.7-11. Волков В.Ю. Компьютерные технологии в образовательном процессе по физической культуре в вузе: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. С.-Пб.:1999-24 с. Злобин А.Ю. Методические аспекты использования информационных и коммуникационных технологий в воспитательно-образовательном процессе вуза. Образование. Наука. Инновации – вклад молодых исследователей // Материалы (XXXIII) международной научно-практ. конференции / Кемеровский госуниверситет.- Кемерово: Полиграф. 2006.-С.63-64.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Жисмоний тарбия ва спортнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, уни янгилаш тактикаси ва стратегияси” мавзусидаги илмий-тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади спортга йўналтирилган жисмоний тарбия асосида талабарни жисмоний такомиллаштиришни оптималлаштириш методларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабиёт манбаларини таҳлил қилиш ва жисмоний тарбияга ихтисослашмаган олий ўқув юртларида мини-футболдан фойдаланган ҳолда спортга йўналтирилган жисмоний тарбия муаммосини ўрганиш;

мини-футболни қўллаган ҳолда талабаларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини баҳолаш;

талабалар жисмоний тарбияси бўйича ўқув дастурини ишлаб чиқиш;

педагогик тажрибада мини-футбол асосида талабаларнинг спортга йўналтирилган жисмоний тарбияси методикасини асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти мини-футболдан фойдаланиш асосида талабаларнинг жисмоний тарбия жараёни.

Тадқиқотнинг предмети мини-футбол асосида талабаларнинг спортга йўналтирилган жисмоний тарбияси методикаси.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий ва илмий-услубий адабиётлар таҳлили, антропометрия, педагогик кузатув, инструментал усул, педагогик тажрибалар, маълумотларни математик-статистик ишлаб чиқиш методлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг жисмоний тарбия машғулотларида мини-футболни қўллаш тузилмаси такомиллаштирилган;

мини-футбол асосида талабаларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини ўз ичига олган спортга йўналтирилган жисмоний тарбия самарадорлиги асосланган;

ишлаб чиқилган модуллар асосида мини-футбол бўйича машғулотларнинг тажрибада асосланган ўқув дастурининг (I модул индивидуал тактик ҳаракатларни ўргатиш ва такомиллаштириш, II модул ўқув ва ўртоқлик ўйинлари, III модул махсус машқлар, мустақил машғулотлар) самарадорлиги тажрибада асосланган;

мини-футбол амалий машғулотлари орқали талабаларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш методи вазиятли – ўйин майдонида вазиятни яратувчи шарт-шароитлар ва ҳолат уйғунлиги ҳамда ўқитувчи-талабанинг ахборот-коммуникацион – бевосита мулоқот ва ахборот алмашиш жараёни каби усуллар билан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жисмоний тайёргарликни такомиллаштиришга йўналтирилган, жисмоний тарбия воситаларидан ташкил топган модуллар асосида жисмоний тарбияни ўқитиш бўйича таклифлар тайёрланган;

машғулотларнинг такомиллаштирилган тузилмаси ўқув-педагогик жараёни ташкил этиш ва воситаларни танлашда бирга қўлланилувчи методдан фойдаланиш самарадорлигини оширган;

талабаларнинг жисмоний тарбияси жараёнида ўқув-машғулот йўналишидаги амалий машғулотларда инновацион методлар - вазиятли, ахборот-коммуникацион методларга асосланган мини-футболдан фойдаланиш методикаси такомиллаштирилган;

талабаларнинг функционал ҳолати, техник-тактик ҳаракатлари, ҳаракат ва умумий жисмоний тайёргарлигини тезкор, жорий ва босқичли назорат қилиш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги билиш назарияси методологияси [билишнинг диалектик методи] ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси соҳасидаги республикамиз, чет эл олимлари, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган амалиётчи тренерларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларнинг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш методлари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Комплекс инструментарий асосидаги педагогик тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамиятини талабаларнинг спортга йўналтирилган жисмоний тарбиясини моделлаштириш соҳасидаги мавжуд назарий концепциялари тўлдиради. Мини-футбол бўйича спорт-соғломлаштириш машғулотлари назарий билимлар, амалий кўникма ва малакалар даражасига олиб чиқиши билан бирга соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш орқали талабаларнинг соғлиқни сақловчи жисмоний тарбия фаолиятига тайёрлигини шакллантиришга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти талабаларнинг ўқув жараёнида учта модул асосида мини-футбол бўйича технологияларни қўллаш зарурати билан исботланган. Ўртоқлик учрашувларида иштирок этиш мотивацияни оширади, соғлиқни яхшилаш ва сақлашни таъминловчи доимий спорт машғулотларига бўлган мустаҳкам эҳтиёжни шакллантиради. Мини-футбол асосида спортга йўналтирилган жисмоний тарбияни моделлаштириш соғлиқни сақлаш технологиясининг самарали воситаси эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Спортга йўналтирилган жисмоний тарбия асосида талабаларни жисмоний такомиллаштиришни оптималлаштириш методларини ишлаб чиқиш бўйича назарий-методологик ва амалий таклифлар асосида:

жисмоний тарбияга ихтисослашмаган олий ўқув юрти талабаларининг мини-футбол асосида спортга йўналтирилган жисмоний тарбияси жараёнида қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 29 январдаги 89-03-320-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг тезлик-

куч сифатлари 10%га, ўйин фаолияти 10,7%га, куч сифати 7%га ошишига хизмат қилган;

жисмоний тарбияга ихтисослашмаган олий ўқув юртлари талабаларининг жисмоний тарбия жараёнига татбиқ этилган (“Футбол назарияси ва услубияти” дарслиги, рўйхатга олиш рақами – 32-013). Натижада талабаларнинг жисмоний тайёргарлиги 10%га яхшиланишига хизмат қилган;

мини-футбол асосида спортга йўналтирилган жисмоний тарбия дастури (индивидуал тактик ҳаракатларни ўргатиш ва такомиллаштириш; ўқув ва ўртоқлик ўйинлари; махсус машқлар, мустақил машғулотлар модули) талабаларнинг жисмоний тарбия жараёнига жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 29 январдаги 89-03-320-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг куч сифати 10-11%га, чаққонлик сифати 11-13%га ортишига хизмат қилган;

мини-футбол амалий машғулотлари орқали талабаларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш методи амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 29 январдаги 89-03-320-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг вазиятли – ўйин майдонида вазиятни яратувчи шарт-шароитлар ва ҳолат уйғунлиги ҳамда ўқитувчи-талабанинг ахборот-коммуникацион – бевосита мулоқот ва ахборот алмашиш жараёни такомиллашишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 50 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола [2 та республика ва 8 та хорижий илмий журналларда] чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, 4 бобдан иборат. 162 саҳифа матн, 7 та расм, 21 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг ҳажми ва тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг “Талабаларнинг спортга йўналтирилган жисмоний тарбиясини лойиҳалаштириш” деб номланган биринчи бобида талабаларни жисмоний тарбиялаш жараёнида ўйин спорт турлари машғулотларининг хусусиятлари, спортга йўналтирилган жисмоний тарбия концепциясининг назарий-методологик асоси, интеграл тайёргарликни тадқиқ қилиш, мини-футбол бўйича мусобақа фаолияти кўрсаткичлари таҳлили, жисмоний ривожланиш, ҳаракат тайёргарлиги маълумотлари ва мини-футбол бўйича мусобақа фаолияти кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар хусусиятлари, мини-футболдан фойдаланиш технологияси асосида спортга йўналтирилган жисмоний тарбия дастурини ишлаб чиқиш маълумотлари келтирилган.

Хорижий илмий-методик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, дунёнинг кўпгина давлатлари университетларида қайсидир бир спорт турига йўналтирилган жисмоний тарбия қўлланилади (1-жадвал). Эътироф этиш муҳимки, мини-футбол талабалар орасида кенг миқёсда оммалашган. Тошкент шаҳрида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан сунъий қопламали мини-футбол майдонлари кўплаб қурилган.

Тошкент ахборот технологиялари университетида эса спорт ўйинлари бўйича амалий, секция машғулотларини ўтказиш учун 48x26 м² ўлчамдаги 300 та ўринли янги универсал зал ишга туширилган. Шунинг учун мини-футбол бўйича машғулотлар талабаларда катта қизиқиш уйғотмоқда, зеро бу спорт тури, шубҳасиз, ўйин спорт турлари ичида энг оммабоп ва томошабоп ҳисобланади.

1-жадвал

Турли давлатлардаги талабаларнинг жисмоний тарбия тизими

| Давлатлар | Мажбурий дарслар | Факультатив дарслар (мажбурий қатнашишли) | Мусобақалар |
|-------------------|---|--|--|
| АҚШ | Ҳафтада 4 соат – 144 соат I ва II босқичларда Футбол, волейбол, баскетбол | Бир йилда 72 соат Сузиш, теннис, каратэ, баскетбол, енгил атлетика, гимнастика | Сузиш, теннис, баскетбол, енгил атлетика, ракетбол, америкача футбол |
| Хитой | Ҳафтада 4 соат – 144 соат I ва II босқичларда Футбол, ушу, баскетбол, волейбол | Бир йилда 72 соат Сузиш, футбол, теннис, ушу, баскетбол, енгил атлетика, гимнастика, ци-гун, бадминтон, культуризм, волейбол Катта босқичларда | Сузиш, футбол, теннис, ушу, баскетбол, енгил атлетика, стол тенниси |
| Россия | Ҳафтада 4 соат – 144 соат I ва IV босқичларда | Сузиш, мини-футбол, баскетбол, енгил атлетика, гимнастика, УЖТ, волейбол | Талабалар лигаси: мини- футбол, волейбол, баскетбол, енгил атлетика |
| Ўзбекистон | Ҳафтада 2соат – 72 соат I ва II босқичларда Кураш, баскетбол, енгил атлетика, футбол, волейбол | _____ | Ҳар уч йилда талабалар Республика Универсиада мусобақалари ўтказилади. |

Бу жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашмаган олий ўқув юртларида мини-футбол ихтисослигини жорий этиш заруратини келтириб чиқаради.

Спорт машғулотлари амалиётида турли малакага эга спортчиларни тайёрлаш асослари етарлича ишлаб чиқилган. Жисмоний тарбия бўйича таълим жараёнида мини-футбол мустақил восита сифатида адабиётларда кўриб чиқилмаган, боз устига, унинг жисмоний тарбияга ихтисослашмаган гуманитар олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқитиш методикасининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилмаган.

Шу мақсадда тасдиқловчи ва қиёсловчи педагогик тажрибалар олиб борилди.

Тасдиқловчи тажриба 2015-2016 йилларда амалга оширилди, унда Тошкент ахборот технологиялари университетининг I босқич талабалари иштирок этди.

Талабаларнинг жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги параметрлари, мини-футбол бўйича мусобақа фаолияти, ўйин фаолияти жараёнидаги юрак қисқариш тезлиги кўрсаткичлари аниқланди ва баҳоланди. Тасдиқловчи педагогик тажриба таҳлили ўзаро боғлиқликларнинг хусусиятларини аниқлашдан иборат бўлди (корреляция матрицаси).

Қиёсловчи тажриба назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасида ўтказилди, бу ерда тажриба гуруҳида спортга йўналтирилган жисмоний тарбия жараёнида мини-футбол воситалари қўлланилди. Эътироф этиш жоизки, мультимедиа воситалари- планшет, амалий машғулотларнинг видеоёзувлари, талабаларнинг ўйин фаолиятини педагогик кузатувлари қўлланилди.

Қиёсловчи педагогик тажриба назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасида ўтказилди. Педагогик тажриба ўтказилишидан олдин ва кейин 15 та қийматлар бўйича маълумотлардан фойдаланилди ва кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ишончилиги (t-Стъудент) мезони асосида аниқланди.

2015-2016 ўқув йилида талабаларнинг морфофункционал кўрсаткичлари, жисмоний тайёргарлиги, мини-футбол бўйича мусобақа фаолияти тадқиқ қилинди.

Морфофункционал маълумотларни баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилди: тана узунлиги, тана оғирлиги, ўнг ва чап қўл панжа кучи, гавданинг тортиш кучи, махсус жисмоний тайёргарлик: 10 м га югуриш, 3x5 м га такрорий югуриш, турган жойидан узунликка сакрашлар, беш марта сакраш, баланд турникда тортилиш, юқорига вертикал сакраш.

Тана узунлиги ўртача $179 \pm 1,1$ см ни ташкил этди. Бу катталиқдан юқори кўрсаткич 41,3% талабаларда, кичикроқ кўрсаткич 58,7 % талабаларда қайд этилди. Ўнг қўл панжа кучи ўртача $40 \pm 1,6$ кг ни, чап қўл панжа кучи $36 \pm 2,0$ кг ни, гавда кучи $197 \pm 4,6$ кг ни ташкил этди. Куч кўрсаткичларида параметрлар МДХ давлатлари талабалари натижаларидан паст, жисмоний ривожланиш маълумотлари – тана узунлиги ва оғирлиги кўрсаткичлари ТАТУ йигитларида устунроқ.

Турган жойидан юқорига сакраш маълумотларини баҳолашда 50% талабалар ўртача катталиқдан юқори $43 \pm 1,2$ см натижа кўрсатдилар ва 10 м га югуришда 50% текширилувчиларда натижа ўртача кўрсаткичдан пастроқ – $1,8 \pm 0,01$ с. Талабалар вертикал сакраш натижалари бўйича 10 баллдан фақат 5 балл, 10 м га югуришда 6 балл тўпладилар. Турган жойидан узунликка

сакраш бўйича назорат синовида 40% йигитларда натижа ўртача катталиқдан паст ва 60% талабаларда юқориқроқ. У етарлича юқори таъсир даражасига эга – $R=17$.

Деярли худди шунга ўхшаш натижалар беш марта сакраш тестида ҳам қайд этилди. 48% талабаларда у ўртача натижага нисбатан кичикроқ, 52% талабаларда эса кўпроқ - $10,98 \pm 0,1$ м.

Талабаларда мини-футбол ўйинидаги ўйин фаолияти қуйидаги маълумотлар бўйича баҳоланди: ҳаракат фаоллиги; тўп узатишларнинг умумий сони, техник-тактик ҳаракатларнинг (ТТХ) умумий сони ва уларнинг самарадорлиги, аҳамияти.

Мини-футболда бир ўйин давомида ўйинчилар 1601 та ТТХ ни бажарадилар. Футболда ўйин вақтида футболчилар соф 50-55 минут ичида 800-900 ТТХ ни амалга оширадилар. Шундай қилиб, соф 40 минут ичидаги ўйин фаолияти жараёнида мини-футболда ўйинчилар анча кўп ТТХ ларни бажарадилар. Индивидуал ҳаракатларнинг умумий сони $83,7 \pm 1,5\%$ ни ташкил этди, самарадорлик $76,8 \pm 5,6\%$ га тенг бўлди.

Аҳамиятига кўра биринчи ўринда тўп узатишлар ўртача - $48,8 \pm 11,8\%$, иккинчи ўринда тўпни олиб қўйиш - $15,2 \pm 5,3\%$ кг, учинчида рақибни алдаб ўтиш - $8,3 \pm 5,6\%$. Тўп узатиш шерик билан ўзаро ҳаракатланишнинг асосий воситасидир.

Энг юқори таъсир даражаси $R=19$ ҳаракатлар самарадорлиги параметрларида аниқланди, у яна ТТХ ларнинг умумий сонига ҳам - $R=16$ ва тўп узатишларнинг умумий сонига ҳам етарлича юқори - $R=17$.

Юқорида билдирилган фикрларни мини-футбол воситалари ёрдамида спортга йўналтирилган жисмоний тарбия машғулотларининг дастурини тузишда эътиборга олиш жуда муҳим.

Педагогик кузатувлар ёрдамида аниқланишича, ўйин давомида талаба ўртача 3235 м масофани югуриб босиб ўтган. Улардан 615 м масофани максимал тезликда, 2025 м масофани секин югуриб ва 595 м масофани юриш билан босиб ўтган.

Талабаларнинг куч имкониятларини ифодаловчи кўрсаткичлар ўртасида юқори даражадаги боғлиқлик аниқланди. Тортиш кучи ва 10 м га югуриш вақти маълумотлари ўртасида кучли боғлиқлик борлигига алоҳида диққат қаратиш лозим ($r=0,83$). Орқа мушаклари кучи ортиши билан 10 м га югуриш вақти ҳам ортади. Шундан, бу мушаклар гуруҳига бериладиган юклама оптимал хусусиятга эга бўлиши керак. Чамаси, 10 м га югуриш вақтини камайтириш учун бошқа мушаклар гуруҳи (болдир, сон) ва болдир-кафт, тизза бўғимлари ҳаракатчанлигини яхшилаш учун юклама бериш зарур. Талабаларнинг жисмоний тайёргарлиги дастурини тузишда куч сифатларини ривожлантирувчи воситалар учун вақт ажратиш лозим.

Техник-тактик ҳаракатлар (ТТХ) ва ҳаракат фаоллиги кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқлик юқори даражада эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мини-футбол воситалари ёрдамида жисмоний тарбияни моделлаштириш дастурини тузиб чиқишда тўп узатишларни қўллаган ҳолда гуруҳли, жамоавий тактик ҳаракатларни такомиллаштиришга қаратилган

машқлардан фойдаланиш муҳимдир. Бу, ўз навбатида, ҳаракат фаоллиги ҳажмини ҳам оширади (2-жадвал).

Юқори даражадаги ўзаро боғлиқликлар $r=0,7-0,9$ асосида мини-футбол воситалари ёрдамида жисмоний тарбия мониторингини олиб боришда қўллаш зарур бўлган ишончли, валидли тестлар аниқланди. Хусусан:

- жисмоний ривожланиш бўйича: тана оғирлиги, тана узунлиги, ўнг ва чап қўл панжа кучи, гавданинг тортиш кучи;

- жисмоний тайёргарлик бўйича: турникда тортилиш, турган жойидан узунликка сакраш, 10 м га югуриш, беш марта сакраш;

- мини-футбол ўйнаш жараёнида мусобақа фаолияти бўйича: ҳаракат фаоллиги, тўп узатишларнинг умумий сони, техник-тактик ҳаракатларнинг умумий сони.

Спорт ўйинлари талабалар саломатлигини мустаҳкамлашда самарали эканлиги тўғрисидаги хулоса асослаб берилади.

2-жадвал

Талабалар интеграл тайёргарлигининг корреляция коэффицентлари

| | | | | | | | | | | | | | | |
|----|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|------|------|------|
| 1 | | | | | | | | | | | | | | |
| 2 | 0,36 | | | | | | | | | | | | | |
| 3 | 0,05 | 0,05 | | | | | | | | | | | | |
| 4 | 0,09 | 0,83 | 0,82 | | | | | | | | | | | |
| 5 | -0,16 | -0,11 | -0,10 | 0,83 | | | | | | | | | | |
| 6 | -0,51 | -0,40 | -0,04 | 0,32 | 0,32 | | | | | | | | | |
| 7 | 0,10 | 0,02 | -0,02 | -0,10 | 0,02 | 0,02 | | | | | | | | |
| 8 | 0,05 | 0,05 | 0,02 | -0,03 | 0,36 | 0,29 | 0,29 | | | | | | | |
| 9 | 0,15 | -0,03 | -0,14 | -0,24 | 0,24 | -0,20 | 0,34 | 0,34 | | | | | | |
| 10 | 0,01 | 0,09 | 0,23 | -0,04 | 0,08 | -0,25 | -0,01 | 0,42 | 0,42 | | | | | |
| 11 | -0,33 | 0,00 | -0,23 | -0,17 | 0,07 | 0,07 | -0,03 | 0,06 | 0,01 | 0,01 | | | | |
| 12 | 0,41 | 0,07 | 0,10 | 0,18 | -0,17 | -0,04 | 0,07 | -0,38 | -0,31 | -0,39 | -0,39 | | | |
| 13 | 0,36 | 0,03 | 0,34 | 0,44 | 0,16 | -0,06 | 0,08 | 0,01 | -0,17 | -0,25 | 0,71 | 0,71 | | |
| 14 | 0,11 | -0,03 | 0,25 | 0,35 | 0,13 | -0,01 | 0,13 | 0,01 | -0,27 | -0,29 | -0,26 | 0,89 | 0,89 | |
| 15 | -0,03 | 0,06 | -0,09 | 0,01 | -0,25 | -0,28 | -0,10 | -0,33 | -0,07 | 0,12 | 0,11 | 0,13 | 0,20 | 0,20 |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |

Изоҳ. 1. Тана узунлиги. 2. Тана оғирлиги. 3. Унг қўл панжа кучи. 4. Чап қўл панжа кучи. 5. Тортиш кучи. 6. 10 м га югуриш. 7. 3×50 м га моқисимон югуриш. 8. Турган жойидан юқорига сакраш. 9. Турган жойидан узунликка сакраш. 10. Беш марта сакраш. 11. Тортилиш. 12. Ҳаракат фаоллиги. 13. Тўп узатишларнинг умумий сони. 14. Техник -тактик ҳаракатларнинг умумий сони. 15. Техник-тактик ҳаракатлар самарадорлиги.

Ҳозирда мавжуд бўлган талабаларни жисмоний тарбиялашнинг анъанавий тизими қатъий белгиланган дастур материалидан ҳамда назорат меъёрларини бажаришдан иборат. Бунда талабаларнинг қизиқишлари

инобатга олинмайди, шундан, амалий машқларга бўлган мотивация жуда паст. Шу нарса салбий таъсирга эгаки, талабалар мусобакаларда қатнашмайдилар ва амалий машғулотларда АКТ лардан фойдаланилмайди.

Интеграл тайёргарликни тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, ТАТУ нинг I босқич талабалари жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларида камчиликларга эга. Мини-футбол бўйича мусобақа фаолиятини баҳолаш шуни аниқлаб бердики, у аэроб-анаэроб шароитларда ўтади, ўйинчилар 3225 м. масофани босиб ўтадилар ва 1601 ТТХ ларни амалга оширадилар.

Бундай юклама ривожлантирувчи хусусиятга эга. Жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик ва ўйин фаолияти параметрларининг ўзаро боғлиқлиги хусусиятлари шуни кўрсатдики, куч имкониятлари ва 10 м га югуриш вақти орасида ($r=0,83$), ҳаракат фаоллиги ва ТТХ ларнинг умумий сони орасида ($r=0,89$), тортилиш ва тўп узатишларнинг умумий сони орасида ($r=0,71$) юқори боғлиқлик аниқланди. Баён қилинган фикрлар мини-футболдан фойдаланиш асосида амалий машғулотлар мазмунини тузиб чиқиш имконини берди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот усуллари ва уни ташкиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида илмий ва илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, антропометрия, педагогик кузатувлар, назорат синовлари, тадқиқотнинг инструментал методлари, педагогик тажрибалар ва тадқиқот натижаларини статистик ишлаб чиқиш ва таҳлил этиш методлари юзасидан маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Талабаларнинг спортга йўналтирилган жисмоний тарбиясини тажрибада асослаш ва мини-футболни қўллаш методикасини амалиётга жорий этиш”** деб номланган учинчи бобида талабаларнинг жисмоний тарбия бўйича таълим жараёнида мини-футболни қўллашнинг асосланган тузилмаси ва жисмоний тарбия бўйича таълим жараёнида мини-футболдан фойдаланиш технологиясини жорий этиш юзасидан қиёсий педагогик тажриба натижалари келтирилган.

Қиёсловчи педагогик тажриба доирасида асосий ҳаракат сифатларини тестлаш амалга оширилди. Иккита гуруҳ шакллантирилди – тажриба (ТГ) ва назорат (НГ). ТГ (15 талаба) биз томонимиздан ишлаб чиқилган “мини-футбол” жисмоний тарбия ихтисослиги дастури бўйича шуғулланди. Таққослаш гуруҳи (НГ) худди шу муддат ичида 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий дастур бўйича шуғулланди.

Гуманитар олий ўқув юрти талабалари учун “мини-футбол” ихтисослиги бўйича машғулотларнинг дастурдаги материални амалга ошириш билим, кўникма ва малакаларни чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга, шунингдек, мини-футбол бўйича машғулотларни мустақил ташкил этиш ва ўтказиш методларини эгаллашга, спорт машғулотлари асосларини эгаллашга, амалий машғулотларни ўтказиш жараёнида юзага келадиган муайян вазифаларни ҳал этиш учун методик фаолият малакаларини эгаллашга, ўйин усуллари ҳамда жисмоний сифатларни

ривожлантириш ва махсулаштирилган машқларда техник-тактик ҳаракатларни такомиллаштиришга мўлжалланган машқларни ўзлаштириш жараёнида хатолар сабабларини аниқлашга қаратилган.

Мини-футболдан фойдаланишнинг педагогик технологияси қуйидагилардан иборат: мақсади (ўқув жараёни сифатини ошириш), вазифалари (мини-футбол воситалари ёрдамида ўтказиладиган машғулотлар орқали талабаларнинг саломатлигини яхшилаш, сақлаш); умумривожлантирувчи ва махсулаштирилган машқлардан, индивидуал, гуруҳли, жамоавий тактик ҳаракатларни ўргатишга йўналтирилган воситалардан иборат мини-футбол бўйича машғулотлар дастури, стретчинг, ўқув, ўртоқлик учрашувлари; педагогик кузатув воситалари ёрдамида жисмоний ривожланиш, ҳаракат тайёргарлиги, жисмоний ҳолат, мусобақа фаолияти маълумотлари мониторинги, юрак ритми монитори.

Жорий этилган технологиянинг якуний натижаси: жисмоний ривожланиш, ҳаракат тайёргарлиги даражаси; мини-футбол бўйича ўйин фаолияти самарадорлигини, умуман олганда, саломатлик ҳолатини ошириш (1-схема).

Спортга йўналтирилган жисмоний тарбия тизимида бу йўналиш қуйидаги вазифаларни бажаради:

- қопловчи-яратувчи, у талаба ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши, интеллектуал ва маънавий ривожланишини шакллантиради, соғлиқни мустаҳкамлаш ва касбий фаолиятга тайёрлаш;

- интегратив – ижтимоийлаштирувчи, у талаба ёшларни уларга коммуникатив алоқаларни йўлга қўйишга имкон берувчи жамоавий фаолият учун бирлаштиради (интеллектуал-мотивацион блок).

Амалий машғулотлар учун қуйидаги хусусиятлар хос: соғломлаштириш йўналиши, машғулотларнинг ўзига жалб қилиши; ўқув, ўртоқлик учрашувларида қатнашиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

Мини-футбол воситаларининг ўқув йилида босқичма-босқич тақсимланиши батафсил кўриб чиқилган.

Талабалар учун йиллик циклда мини-футбол бўйича соатлар миқдори қуйидагилардан иборат:

- назарий бўлим, унга 4 соат ажратилади;
- амалий бўлим, у 3 модулдан ташкил топган.

Биринчи модулга 11 соат ажратилган, асосан умумий жисмоний тайёргарликка – 8 соат йўналтирилган, бу 72,7% ни ташкил этади.

Иккинчи модулда вақт бир текис тақсимланган: ўқув ўйинларига – 15%, индивидуал, гуруҳли, жамоавий тактик ҳаракатларни такомиллаштиришга - 11,5% дан, жами 34,5%, умумривожлантирувчи машқларга – 11,5%, назарияга – 7,6%, УЖТ – 10,8%, ўйинларнинг таҳлилига -7,6% (3-жадвал).

Мини-футбол асосида талабаларнинг спортга йўналтирилган жисмоний тарбияси тузилмаси



Талабаларнинг мини-футбол бўйича йиллик циклдаги назарий ва амалий материалларни ўтиш соатлари миқдори

| Т/р | Материалнинг мазмуни | І модул | ІІ модул | ІІІ модул |
|-----|---|--------------------------|-------------------------------|---------------|
| | | сентябр-ноябр 2015 й. | декабр 2015й.-апрел 2016й. | май 2016й. |
| І | Назарий бўлим | 3 | | 1 |
| ІІ | Амалий бўлим | | | |
| 2 | Умумривожлантирувчи машқлар | 2 | 1 | 1 |
| 3 | Махсус машқлар | | 3 | 1 |
| 4 | Индивидуал тактик ҳаракатларни ўргатиш ва такомиллаштириш. | 2 | 3 | |
| 5 | Гуруҳли тактик ҳаракатларни ўргатиш ва такомиллаштириш. | 1 | 3 | |
| 6 | Жамоавий тактик ҳаракатларни ўргатиш ва такомиллаштириш | 1 | 3 | |
| 7 | Ўқув, ўртоқлик ўйинлари | | 6 | |
| 8 | Учрашувлар таҳлили: педагогик кузатув асосида юрак ритми монитори | 1 | 2 | |
| 9 | Тестлаш | 1 | 1 | |
| 10 | Мустақил машғулотлар | + | | + |
| | Жами соатлар | 11 | 22 | 3 |

Учинчи модулда (май) умумривожлантирувчи ва махсус машқлардан иборат 3 та машғулот ажратилган, жами 3 соат.

Йиллик таълим циклида мини-футбол бўйича назарий ва амалий материалларни ўтиш ўқув режаси куйидагилардан иборат:

- назарий бўлим (Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт, мини-футбол ривожланишининг қисқача тарихи, мини-футбол машғулотларининг талабалар организмига таъсири, мусобақа қоидалари);

- амалий бўлим, у учта модулдан иборат:

- І модул (бу ерда тестлаш ва асосан УЖТ воситалари ёрдамида умумий жисмоний тайёргарликни оширишга йўналтирилган иш ва педагог топшириғига кўра уй шароитларидаги мустақил машғулотлар амалга оширилади);

- ІІ модул (махсус машқлар, индивидуал, гуруҳли, жамоавий тактик ҳаракатларни ўргатиш ва такомиллаштириш, ўқув ва ўртоқлик ўйинлари, учрашув давомидаги хатти-ҳаракатлар хусусиятлари, педагогик кузатувлардан фойдаланган ҳолда учрашувларни таҳлил қилиш, юрак ритми монитори);

Йиллик циклда назорат ва тажриба гуруҳлари талабаларининг жисмоний ривожланиши, ҳаракат тайёргарлиги, мини-футбол бўйича техник-тактик ҳаракатлари кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси

| № | Тестлар номи | Ўлчов бирлиги | Гуруҳлар | | | | | | | | | | | |
|-----|--|---------------|----------|-------|--------|-------|-----------------|-------|---------|-------|--------|-------|-----------------|--------|
| | | | Назорат | | | | | | Тажриба | | | | | |
| | | | бошида | | охирда | | t _{ст} | p | бошида | | охирда | | t _{ст} | p |
| | | | 7 | 8 | 7 | 8 | | | 7 | 8 | 7 | 8 | | |
| 1. | Тана узунлиги | см | 177 | 6,7 | 178 | 6,3 | 0,7 | >0,00 | 180 | 5,5 | 181 | 5,1 | 1,5 | >0,001 |
| 2. | Тана оғирлиги | кг | 70 | 6,3 | 68,9 | 9,5 | 0,5 | >0,05 | 70 | 7,4 | 71 | 7,6 | 1,9 | >0,001 |
| 3. | Ўнг қўл панжа кучи | кг | 39 | 5,8 | 41 | 6,1 | 3,7 | <0,05 | 42 | 11,6 | 45 | 12,4 | 3,6 | <0,05 |
| 4. | Чап қўл панжа кучи | кг | 32 | 8,6 | 33 | 8,9 | 2,3 | <0,05 | 40 | 12,6 | 42 | 12,7 | 3,3 | <0,05 |
| 5. | Тортиш кучи | кг | 193 | 29,5 | 198 | 30,3 | 2,3 | <0,05 | 203 | 21,5 | 212 | 22,8 | 2,9 | <0,01 |
| 6. | 10 м га югуриш | сек | 1,82 | 0,1 | 1,80 | 0,1 | 0,6 | >0,00 | 1,90 | 0,1 | 1,76 | 0,1 | 0,8 | >0,001 |
| 7. | 3 × 50м га максимон югуриш | сек | 22,80 | 0,6 | 22,66 | 0,6 | 1,4 | >0,05 | 22,85 | 0,4 | 22,51 | 0,4 | 3,7 | <0,05 |
| 8. | Турган жойидан юқорига сакраш | см | 43 | 6,9 | 44 | 7,0 | 1,2 | >0,01 | 44 | 6,4 | 46 | 6,8 | 3,0 | <0,05 |
| 9. | Турган жойидан узунликка сакраш | см | 239 | 15,5 | 228,4 | 15,9 | 0,1 | >0,05 | 236 | 18,6 | 245 | 19,3 | 3,8 | <0,01 |
| 10. | Беш марта сакраш | м | 11,14 | 0,6 | 11,34 | 0,6 | 4,0 | <0,01 | 10,83 | 0,7 | 11,32 | 0,7 | 3,7 | <0,01 |
| 11. | Тортилиш | сони | 10,7 | 2,2 | 11,3 | 2,4 | 4,8 | <0,01 | 9,4 | 3,6 | 10,2 | 3,8 | 2,7 | <0,05 |
| 12. | Ҳаракат фаоллиги | м | 1652 | 361,0 | 1687 | 376,7 | 2,2 | <0,05 | 2199 | 641,7 | 2387 | 696,8 | 3,4 | <0,05 |
| 13. | Тўп узатишларнинг умумий сони | сони | 24 | 7 | 24 | 7 | 2,3 | <0,05 | 48 | 8 | 52 | 9 | 3,0 | <0,05 |
| 14. | Техник-тактик ҳаракатларнинг умумий сони | сони | 50 | 9,0 | 51 | 1,3 | 1,5 | >0,00 | 115 | 21,2 | 122,6 | 18,6 | 3,1 | <0,05 |
| 15. | Техник-тактик ҳаракатлар самарадорлиги | % | 78,8 | 8,2 | 81,6 | 1,5 | 1,6 | >0,00 | 82,7 | 4,1 | 88,0 | 4,4 | 3,9 | <0,01 |

III модул (назарий маълумотлар, умумривожлантирувчи машқлар, мустақил машғулотлар). II модулнинг таҳлиliga алоҳида эътибор қаратамиз (3-жадвал).

Бу модулда умумривожлантирувчи, махсулаштирилган машқлар, индивидуал тактик ҳаракатларни ўргатиш ва такомиллаштириш, ўртоқлик ўйинларида иштирок этиш қўлланилган.

Шунга эътибор қаратиш жоизки, ТТХ ни ўргатиш ва такомиллаштиришда бу модулда мультимедиа технологияларидан фойдаланилди.

III модулда (май 2016) назарий бўлим бўйича ишлар олиб борилди, умумривожлантирувчи машқлар, кичрайтирилган ва тўр билан жиҳозланган майдонда спорт ўйинлари (волейбол, баскетбол, гандбол, мини-футбол) ва мустақил машғулотлардан фойдаланилди (3-жадвал). Қиёсловчи педагогик тажриба маълумотлари асосида биз шуни эътироф этиш имконига эгамизки, университетда талабалар билан олиб бориладиган мини-футбол асосида спортга йўналтирилган жисмоний тарбияни моделлаштириш натижасида тўртта кўрсаткичлар бўйича тажриба гуруҳида тестлар натижалари ижобий ўзгарди, назорат гуруҳида эса унча катта бўлмаган ўсиш кузатилди (4-жадвал). Қиёсловчи педагогик тажриба доирасидаги текширувларнинг биринчи босқичида назорат ва тажриба гуруҳлари талабаларининг кўрсаткичлари ишончли фарқларга эга эмас эди ($p > 0,05$). Назорат гуруҳида тажриба бошида ва охирида кўрсаткичлар ўртасидаги натижалар фарқи қуйидагиларда ишончли тарзда ўзгарди: ўнг қўл панжа кучи ($p < 0,05$); турган жойидан узунликка сакраш ($p < 0,05$); беш марта сакраш ($p < 0,01$); тортилиш ($p < 0,01$), қолган тестларда эса улар яхшиланмади ($p > 0,05$). Тажриба гуруҳида ижобий ўзгаришлар ишончли тарзда ўнча кўрсаткичларда $p < 0,01-0,05$ да аниқланди. Мини-футбол бўйича мусобақа фаолияти, ҳаракат фаоллиги, тўп узатишларнинг умумий сони, ТТХ ларнинг умумий сони ва уларнинг бажарилиш самардорлиги ($p < 0,01-0,05$ да) кўрсаткичларидаги ижобий динамикани алоҳида эътироф этиш зарур.

“Мини-футбол воситалари орқали талабаларнинг спортга йўналтирилган жисмоний тарбияси таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологиялар” деб номланган тўртинчи бобда талабаларнинг таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш, жумладан мини-футбол билан шуғуллунувчи талабаларни ўргатиш. ТТХ ларни такомиллаштириш ва ўйин фаолиятини таҳлил қилишда видеоёзувнинг қўлланилиш технологияси баён этилган.

Махсулашган мультимедиа воситаларидан фойдаланиш катта қизиқиш уйғотади. Улар асосан ўқитиш самардорлигини оширишга мўлжалланган. Планшет ёрдамида ўқув-машғулотлар жараёнидаги мусобақа фаолияти ва тактик ҳаракатлар таҳлил этилди ҳамда муҳокама қилинди (1,2-расмлар). Диаграммалар ва алоҳида вазиятларни тушунтиришлар: а) олти метрли жарима зарбаларини тепиш; б) ўн метрли жарима зарбаларини тепиш; в) тўпни чизик ташқарисидан ўйинга киритиш; г) тўпни бурчакдан ўйинга киритиш.



1 – расм. 4×4 дарвозабонлар билан.

2 – расм. 3×3 дарвозабонларсиз.

Асосий ҳаракатлар ва уларнинг муҳимлиги тўғрисида диаграммалар ёрдамида қисқача ахборот бериш:

а) тўп узатиш; б) тўпни олиб юриш; в) тўпни олиб қўйишдаги дастлабки ҳолат; г) "оёқларнинг иши".

